

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ

СОҶАВИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАРКИБИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА ТОИФАЛАШ

ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ

СОҶАВИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ ВА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАРКИБИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ҲАМДА ТОИФАЛАШ

ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛ

МУНДАРИЖА


I. КИРИШ.....	4
II. МЕТОДОЛОГИЯ.....	5
III. ТАЛАБАЛАР КОНТИНГЕНТИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ КЕСИМИДА ТАҚСИМОТИ.....	7
IV. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ КЕСИМИДА (ФАНЛАР ТОИФАСИ) ТАҚСИМОТИ.....	8
V. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ.....	9
VI. ТОИФАЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ.....	10
VII. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ	12
7.1 Амалий фанлар тоифаси.....	12
7.2 Тиббиёт фанлари тоифаси.....	13
7.3 Ижтимоий-гуманитар фанлар тоифаси.....	14
7.4 Ижод (спорт) фанлари тоифаси.....	15
VIII. УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК МИССИЯСИ ВА АМАЛДАГИ ТАЪЛИМ ТУЗИЛМАСИ ЎРТАСИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИК.....	16
IX. ХУЛОСА.....	17
1-илова.....	19
2-илова.....	25
3-илова.....	26

I. КИРИШ

Мазкур ахборот-таҳлилий материал Ўзбекистон Республикасида олий таълим ташкилотларини миллий рейтинг асосида баҳолаш жараёнида университетларнинг соҳавий ихтисослашув даражасини аниқлаш ҳамда уларни фанлар тоифалари бўйича гуруҳлаш мақсадида тайёрланди.

Сўнги йилларда республикада олий таълим тизими жадал ривожланиб, университетлар сони ва таълим йўналишлари сезиларли даражада кенгайди. Хусусан, давлат олий таълим ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат университетлар ҳамда хорижий олий таълим ташкилотлари филиаллари фаолиятининг кенгайиши натижасида олий таълим ташкилотларининг институционал профили ва таълим дастурлари таркиби сезиларли даражада кенгайди.

Натижада айрим университетларда таълим йўналишлари таркибида кўп тармоқлилик тенденцияси шаклланиб, университетнинг эълон қилинган стратегик миссияси билан амалдаги таълим дастурлари таркиби ўртасида муайян номутаносиблик ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса университетларнинг соҳавий ихтисослашув даражасини аниқлаш ва уларни миллий рейтинг тизимида адолатли ва қиёсий баҳолаш заруратини юзага келтирмоқда.



Халқаро амалиётда университетлар фаолиятини баҳолаш ва рейтингини юритиш жараёнида таълим ташкилотларини уларни институционал профили, фан соҳалари ва ихтисослашув йўналишлари бўйича гуруҳлаш амалиёти қўлланилади.

Хитойнинг миллий рейтинг амалиётида университетлар табиий фанлар, муҳандислик, тиббиёт ва ижтимоий фанлар каби йирик соҳалар, шунингдек алоҳида мутахассислик йўналишлари кесимида баҳоланиб, рейтинг натижалари шакллантирилади.

Мазкур ёндашув турли соҳаларда фаолият юритувчи университетларнинг илмий ва таълим фаолиятини бир хил мезонлар асосида қиёсий баҳолаш имконини яратади. Шу орқали университетларнинг соҳавий ихтисослашуви, илмий натижалари ва академик самарадорлиги ҳар бир фан соҳаси кесимида алоҳида баҳоланади. Бу эса турли соҳаларга ихтисослашган университетларнинг рейтинг натижаларини адолатли шакллантириш ҳамда методологик мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан мазкур таҳлил доирасида республикадаги олий таълим ташкилотларида талабалар контингентининг таълим соҳалари кесимида тақсимоти ўрганилди ҳамда университетларнинг профиль ихтисослашуви даражаси баҳоланди. Таҳлил натижалари асосида олий таълим ташкилотларини фанлар тоифалари бўйича гуруҳлаш (тоифалаш) ҳамда миллий рейтингни шакллантиришда мазкур тоифаларни ҳисобга олиш имкониятлари кўриб чиқилди.

II. МЕТОДОЛОГИЯ

Мазкур таҳлилни амалга оширишда норматив-ҳуқуқий асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги директори буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим ташкилотларининг миллий рейтингини юритиш тўғрисидаги низом” қоидалари инобатга олинди. Ушбу низом 2026 йил 28 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 3783-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, унда олий таълим ташкилотларини таълим соҳалари (таълим йўналишлари ва

магистратура мутахассисликлари) бўйича тегишли тоифаларга ажратиш тартиби белгиланган.

Таҳлил жараёнида асосий маълумотлар манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг HEMIS (Higher Education Management Information System) ахборот тизими маълумотларидан фойдаланилди. Таҳлилда 2026 йил 28 февраль ҳолатига шаклланган талабалар контингенти тўғрисидаги статистик маълумотлар асос қилиб олинди.

Методологик ёндашув доирасида олий таълим ташкилотларидаги талабалар контингенти таълим йўналишлари бўйича гуруҳланиб, улар қуйидаги фанлар тоифалари кесимида таҳлил қилинди:




**АМАЛИЙ
ФАНЛАР**



**ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР**



**ТИББИЁТ
ФАНЛАРИ**



**ИЖОД ВА
СПОРТ СОҲАСИ**

Таҳлил жараёнида ҳар бир олий таълим ташкилоти бўйича талабалар контингентининг ушбу фанлар тоифаларидаги улуши ҳисобланди ҳамда университетнинг асосий таълим профили аниқланди. Университетларни тоифалашда талабалар контингенти таркибида қайси фан тоифаси устувор улушга эга экани асосий мезон сифатида қабул қилинди.

Шу асосда олий таълим ташкилотлари, улардаги талабалар контингентининг таркибий улушига қараб тегишли соҳа тоифаларига ажратилди. Мазкур ёндашув университетларнинг ихтисослашув даражасини баҳолаш ҳамда уларни соҳавий профилига кўра гуруҳлаш имконини беради.

Қуйидаги асосий кўрсаткичлар ҳисобга олинди:

➤ Талабалар контингентининг фан соҳалари кесимидаги улуши	01
➤ Университетларнинг соҳавий ихтисослашув даражаси	02
➤ Таълим йўналишлари таркибидаги кўп тармоқлилик даражаси	03
➤ Университетларнинг эълон қилинган профили ва амалдаги таълим тузилмаси ўртасидаги мувофиқлик	04

Ушбу методологик ёндашув олий таълим ташкилотларини соҳавий профили бўйича тизимли тарзда гуруҳлаш, уларнинг ихтисослашув даражасини баҳолаш ҳамда миллий рейтингни шакллантиришда тоифалар кесимида қиёсий баҳолаш механизмини жорий этиш учун асос яратишга хизмат қилади.

Баҳолаш жараёнида университетларда асосий фан тоифасига тўғри келадиган талабалар улуши ҳисоблаб чиқилди. Мазкур кўрсаткич университет таълим фаолиятининг қай даражада муайян соҳада ихтисослашганини ёки таълим дастурлари кўп тармоқли тарзда шаклланганини аниқлаш имконини беради.

Таҳлил натижаларини тизимлаштириш мақсадида университетларнинг ихтисослашув даражаси қуйидаги шартли гуруҳларга ажратилди:

юқори ихтисослашган университетлар — асосий фан тоифаси улуши 70 фоиз ва ундан юқори бўлган олий таълим ташкилотлари. Бундай университетларда таълим фаолияти асосан муайян соҳавий йўналишларга йўналтирилган бўлиб, талабалар контингентининг катта қисми ушбу соҳага мос таълим дастурларида таҳсил олади;

аралаш профилли университетлар — асосий фан тоифаси улуши 50–70 фоиз оралиғида бўлган олий таълим

ташкилотлари. Бундай олийгоҳларда асосий соҳавий йўналиш сақланган бўлса-да, таълим дастурлари таркибида бошқа соҳалар улуши ҳам сезиларли даражада мавжуд;

кўп тармоқли университетлар — асосий фан тоифаси улуши 50 фоиздан паст бўлган олий таълим ташкилотлари. Мазкур ҳолат университетларда таълим фаолияти бир нечта соҳалар бўйича кенгайганини ҳамда олийгоҳларнинг аниқ соҳавий ихтисослашуви нисбатан паст даражада эканини кўрсатади.


Мазкур ёндашув университетларнинг институционал профилини янада аниқроқ баҳолаш, уларнинг стратегик миссияси ва амалдаги таълим дастурлари таркиби ўртасидаги мувофиқликни таҳлил қилиш ҳамда миллий рейтингни шакллантиришда олий таълим ташкилотларини ихтисослашув даражаси бўйича қиёсий баҳолаш имкониятини яратади.

Шу билан бирга, мазкур баҳолаш механизми олий таълим ташкилотларида таълим йўналишлари таркибининг шаклланиш тенденцияларини аниқлаш, университетларнинг соҳавий ривожланиш стратегиясини баҳолаш ҳамда таълим сиёсати доирасида тегишли қарорлар қабул қилиш учун таҳлилий асос бўлиб хизмат қилади.

III. ТАЛАБАЛАР КОНТИНГЕНТИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ КЕСИМИДА ТАҚСИМОТИ

Республика олий таълим тизимида талабалар контингенти таълим соҳалари кесимида муайян номуносивлик мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, талабаларнинг катта қисми ижтимоий-гуманитар таълим йўналишларида жамланган бўлиб, ушбу соҳа олий таълим тизимида етакчи ўринни эгалламоқда.

Талабалар контингентининг фанлар тоифалари кесимидаги тақсимоти қуйидаги диаграммада акс эттирилган



1-Расм. Талабалар контингентининг фан тоифалари кесимида тақсимоти (фоиз ҳисобида, сўнги уч йиллик динамикаси).

Таҳлил қилинган маълумотларга кўра, 2023/2024, 2024/2025 ҳамда 2025/2026 ўқув йиллари давомида олий таълим ташкилотларида талабалар умумий контингентида ўсиш динамикаси кузатилиб, 2023/2024 ўқув йилидаги 1 335 005 нафардан 2025/2026 ўқув йилида 1 625 529 нафарга етган, мазкур даврда талабалар сони 290 524 нафарга кўпайиб 21,8 фоизга ошганини қайд этади.

Таълим йўналишлари тузилмаси таҳлили ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасининг устунлик қилаётганини кўрсатади. Хусусан, мазкур тоифанинг улуши 2023/2024 ўқув йилида 59 фоизни ташкил этган бўлса, 2025/2026 ўқув йилига келиб 63 фоизга етган. Шу билан бирга, амалий фанлар тоифаси улушида қисқариш тенденцияси


кузатилиб, 2023/2024 ўқув йилидаги 31 фоиздан 2025/2026 ўқув йилига келиб 25 фоизга тушган.

Тиббиёт фанлари тоифаси бўйича талабалар улуши 2023/2024 ва 2024/2025 ўқув йилларида 7 фоизни ташкил этган бўлса, 2025/2026 ўқув йилида 9 фоизгача ошган. Ижод (спорт) фанлари тоифаси улуши эса таҳлил қилинган барча йилларда 3 фоиз даражасида барқарор сақланган.

Мазкур кўрсаткичлар олий таълим тизимида талабалар сони ортиб бораётганини, шу билан бирга таълим йўналишлари таркибида ижтимоий-гуманитар фанлар устунлиги сақланиб қолаётганини ҳамда амалий фанлар улушида нисбатан пасайиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади.

IV. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ КЕСИМИДА (ФАНЛАР ТОИФАСИ) ТАҚСИМОТИ

Республикада фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари фанлар тоифаси бўйича таҳлил қилинганда, уларнинг соҳавий ихтисослашуви турлича экани кузатилади. Олий таълим ташкилотлари қуйидаги тартибда гуруҳланган.



2-Расм. Олий таълим ташкилотларининг мулкчилик шакли кесимидаги тақсимоти.



АМАЛИЙ ФАНЛАР

50 та олий таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг 32 та давлат олий таълим ташкилоти, 6 та нодавлат олий таълим ташкилоти, 12 та хорижий олий таълим ташкилотларининг филиалларидан иборат.




ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

18 та олий таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, шундан 11 та давлат олий таълим ташкилоти, 6 та нодавлат олий таълим ташкилоти, 1 та хорижий олий таълим ташкилотининг филиали ҳисобланади.



ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР

119 та олий таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, уларнинг 45 та давлат олий таълим ташкилоти, 60 та нодавлат олий таълим ташкилоти, 14 та хорижий олий таълим ташкилотларининг филиалларидан ташкил топган.



ИЖОД (СПОРТ) ФАНЛАРИ

13 та олий таълим ташкилоти мавжуд бўлиб, шундан 12 та давлат олий таълим ташкилоти, 1 та хорижий олий таълим ташкилотининг филиали ҳисобланади.

V. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ

Ҳудудлар кесимида амалга оширилган таҳлил натижалари республика олий таълим тизимида олий таълим ташкилотларининг соҳавий таркиби ҳудудлар бўйича турлича шаклланганини кўрсатади. Жумладан, олий таълим ташкилотларининг асосий қисми ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига тўғри келади.


Айниқса, Тошкент шаҳри мазкур тоифадаги олий таълим ташкилотлари сони бўйича етакчи ҳудуд ҳисобланади. Тошкентда жами 86 та олий таълим ташкилотидан 50 таси ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишига ихтисослашган ёки мазкур соҳада устувор таълим дастурларига эга.

Амалий фанлар тоифаси бўйича ҳам асосий марказ сифатида Тошкент шаҳри ажралиб туради. Хусусан, мазкур тоифадаги 23 та олий таълим ташкилоти Тошкентда жойлашган. Бошқа ҳудудларда эса мазкур тоифага оид университетлар сони нисбатан кам бўлиб, Самарқанд вилоятида 14 та олий таълим ташкилотидан 5 таси, Андижон вилоятида 10 тадан 3 таси,

Қорақалпоғистон Республикасида 10 тадан 3 таси амалий фанлар тоифасига тўғри келади. Бу ҳолат муҳандислик ва техник йўналишлардаги таълим муассасаларининг асосий қисми марказий ҳудудларда жамланганини кўрсатади.

Тиббиёт фанлари тоифаси бўйича университетларнинг ҳудудий тақсимоотида нисбатан мувозанатли ҳолат кузатилса-да, уларнинг асосий қисми ҳам пойтахт ва йирик ҳудудий марказларда жойлашган. Хусусан, Тошкент шаҳрида 5 та, Тошкент вилоятида эса 3 та тиббиёт йўналишидаги олий таълим ташкилоти фаолият юритади.

Ижод ва спорт фанлари тоифасига кирувчи олий таълим ташкилотлари сони энг кам бўлиб, уларнинг асосий қисми ҳам Тошкент шаҳрида жамланган. Жумладан, Тошкентда шаҳрида мазкур йўналишдаги 8 та олий таълим ташкилоти фаолият юритади. Қорақалпоғистон Республикасида 3 та, Тошкент вилоятида 2 та шундай муассаса мавжуд бўлса, аксарият ҳудудларда мазкур соҳадаги олий таълим ташкилотлари умуман мавжуд



3-Расм. Олий таълим ташкилотларининг ҳудудлар кесимидаги тақсимооти.


Таҳлил натижалари республика олий таълим ташкилотларининг ҳудудий тақсимои маълум даражада марказлашган характерга эга эканини кўрсатади. Яъни, кўплаб соҳалар бўйича ихтисослашган университетлар асосан Тошкент шаҳрида жамланган бўлиб, ҳудудларда олий таълим ташкилотлари сони ҳамда таълим йўналишлари таркиби нисбатан чекланган.

Шу билан бирга, ижтимоий-гуманитар йўналишлар улушининг юқорилиги ва ижод ҳамда спорт соҳалари бўйича муассасалар сонининг камлиги олий таълим тизимида соҳалар бўйича муайян таркибий номутаносиблик мавжудлигини ҳам кўрсатади. Мазкур ҳолат университетларнинг соҳавий ихтисослашуви ва ҳудудий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда таълим сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим ташкилотларини миллий рейтинг доирасида соҳавий тоифалар бўйича баҳолаш механизмларини қўллаш зарурлигини асослайди.

VI. ТОИФАЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ

Олий таълим ташкилотларида талабалар контингентининг фанлар тоифалари кесимидаги таркибини таҳлил қилиш университетларнинг соҳавий ихтисослашув даражаси ва таълим дастурлари профилини баҳолаш имконини беради. Бундай таҳлил университетларда қайси фан соҳалари устувор эканини, шунингдек, таълим йўналишларининг ортиб бориш даражасини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, мазкур маълумотлар олий таълим ташкилотларнинг институционал профили ва таълим фаолияти таркиби ўртасидаги мувофиқликни баҳолаш имкониятини яратади.


Амалий фанлар тоифасига кирган олий таълим ташкилотлари бўйича жами 304 691 нафари таҳсил олмоқда. Шундан 231 868 нафари (76,1%) мазкур тоифага кирган олий таълим ташкилотларида таҳсил олмоқда. Ушбу тоифадаги олий таълим ташкилотларида 68 232 нафари (22,4%) гуманитар йўналишларда, 4 569 нафари (1,5%) ижод (спорт) йўналишларида ҳамда 22 нафари (0,01%) тиббиёт соҳасига оид йўналишларда таҳсил олмоқда.



4-Расм. Амалий фанлар тоифасига оид олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар тақсимои.

Мазкур маълумотлар амалий фанларга ихтисослашган олий таълим ташкилотларида ҳам гуманитар таълим йўналишлари маълум даражада шаклланишини кўрсатади. Хусусан, гуманитар йўналишларда таҳсил олаётган талабалар улуши 22 фоиздан ортиғи амалий тоифага оид олий таълим ташкилотларида таҳсил олмоқда. Бу ҳолат айрим техник университетларда таълим дастурларининг кўп тармоқли тарзда шаклланиб бораётганини кўрсатади.


Тиббиёт фанлар тоифасига кирган олий таълим ташкилотлари бўйича жами 118 581 нафари таҳсил олмоқда. Шундан 110 711 нафари (93%) ушбу тоифага мос йўналишларида таҳсил олмоқда. Мазкур тоифага кирган олий таълим ташкилотларида қуйидаги йўналишлар бўйича талабалар тақсимланган, 6 159 нафари (5,2%) гуманитар йўналишларда, 1 636 нафари (1,4%) амалий фанлар йўналишларида ҳамда 75 нафари (0,1%) ижод (спорт) йўналишларида таҳсил олмоқда.



5-Расм. Тиббиёт фанлари тоифасига оид олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар тақсимоти.

Ушбу маълумотлар тиббиёт соҳасига ихтисослашган олий таълим ташкилотларида таълим йўналишлари таркиби нисбатан барқарор сақланаётганини ҳамда талабалар контингентининг асосий қисми тиббиёт соҳасига мос таълим дастурларида таҳсил олаётганини кўрсатади.


Ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига кирган олий таълим ташкилотлари бўйича жами 1180 202 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шундан 954 202 нафари (81%) мазкур тоифага мос таълим йўналишларида таҳсил олмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига кирган олийгоҳларида 167 571 нафари (14%) амалий фанлар йўналишларида, 39 943 нафари (3%) тиббиёт соҳасига оид йўналишларда ҳамда 18 486 нафари (2%) ижод (спорт) йўналишларида таҳсил олмоқда.



6-Расм. Ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига оид олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар тақсимоти.

Мазкур маълумотлар ижтимоий-гуманитар йўналишга ихтисослашган олий таълим ташкилотларида ҳам амалий таълим йўналишлари муайян улушга эга эканини кўрсатади. Хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига кирган олий таълим ташкилотларида амалий фанлар йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улуши 14 фоиздан ортиқни ташкил этиб, айрим университетларда таълим йўналишлари таркибининг кенгайиши кузатилаётганини англатади.

Ижод (спорт) фанлари тоифасига кирган олий таълим ташкилотлари бўйича жами 22 055 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шундан 18 683 нафари (84,7%) ўз тоифасига тегишли йўналишда таҳсил олмоқда. Шу билан бирга, ижод (спорт) фанлар тоифасига кирган олий таълим ташкилотларида 3 358 нафари (15,2%) гуманитар йўналишларда ҳамда 14 нафари (0,06%) амалий фанлар йўналишларида таҳсил олмоқда.



7-Расм. Ижод (спорт) фанлари тоифасига оид олийгоҳларда таҳсил олаётган талабалар тақсимоти.

Мазкур кўрсаткичлар ижод ва спорт соҳасига ихтисослашган олий таълим ташкилотларида таълим фаолияти асосан соҳавий йўналишларга мос равишда шаклланишини кўрсатади.

VII. ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ



АМАЛИЙ ФАНЛАР


Таҳлил натижаларига кўра, амалий фанлар тоифасига кирувчи давлат олий таълим ташкилотларида талабалар контингентининг асосий қисми муҳандислик ва амалий таълим йўналишларига тўғри келиши кузатилмоқда. Бу мазкур университетларда таълим жараёнининг соҳавий ихтисослашуви асосан сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Соҳа йўналиши бўйича улуши энг юқори бўлган ТОП-5 давлат олий таълим ташкилотлари қуйидагилар ҳисобланади:



Мазкур университетларда талабаларнинг асосий қисми амалий фанлар йўналишларида таҳсил олаётгани уларнинг муҳандисликка ихтисослашуви юқори даражада сақланганини кўрсатади.

Шу билан бирга, айрим давлат олий таълим ташкилотларида амалий фанлар улуши нисбатан паст бўлиб, бу ҳолат таълим йўналишлари таркибида маълум даражада кўп тармоқли университет модели шаклланаётганини кўрсатади. Хусусан:



Бу ҳолат мазкур олий таълим муассасаларида амалий фанлар билан бир қаторда гуманитар ва бошқа таълим йўналишлари улуши ҳам ортиб бораётганини кўрсатади.

Нодавлат олий таълим ташкилотлари кесимида Acharya university, IT Park university ва Japan Digital university да амалий фанлар улуши 100 фоизни ташкил этиб, ушбу олийгоҳларда таълим жараёни тўлиқ муҳандислик йўналишларга ихтисослашганини кўрсатади.

Хорижий олий таълим ташкилотлари филиаллари орасида “ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети” федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги Филиали 100 фоиз ҳамда Тошкент шаҳридаги Италиянинг Пиза университети филиалида 94 фоизни амалий фанлар улуши ташкил этмоқда.



ТИББИЁТ ФАНЛАРИ

Таҳлил натижалари тиббиёт фанлари тоифасига кирувчи олий таълим ташкилотларида талабалар контингентининг асосий қисми тиббиёт таълим йўналишларида таҳсил олаётганини кўрсатади. Бу мазкур олийгоҳларда таълим жараёнининг соҳавий ихтисослашуви юқори даражада сақланаётганидан далолат беради.

Соҳа йўналиши бўйича улуши энг юқори бўлган ТОП-5 давлат олий таълим ташкилотлари қуйидагилар ҳисобланади: Андижон давлат тиббиёт

институти, Қорақалпоғистон тиббиёт институти, Тошкент давлат тиббиёт университетининг Термиз филиали, Урганч давлат тиббиёт институти ҳамда Бухоро давлат тиббиёт институти. Ушбу олий таълим ташкилотларида талабалар контингентининг 100 фоизини тиббиёт фанлари йўналишлари ташкил этади.

Мазкур олий таълим ташкилотларида талабаларнинг деярли барчаси тиббиёт соҳасига оид таълим йўналишларида таҳсил олаётгани уларнинг профиль ихтисослашуви юқори даражада сақланганини кўрсатади.

Шу билан бирга, айрим олий таълим ташкилотларида тиббиёт йўналишлари улуши нисбатан паст бўлиб, бу ҳолат таълим йўналишлари таркибининг кенгайиши кузатилаётганини кўрсатади. Хусусан:



Бу ҳолат нодавлат олий таълим ташкилотларида тиббиёт билан бир қаторда бошқа таълим йўналишлари ҳам ташкил этилганини кўрсатади.

Нодавлат олий таълим ташкилотлари кесимида Central Asian Medical University, Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти ҳамда IMPULS тиббиёт институтида тиббиёт йўналишлари улуши 100 фоизни ташкил этмоқда.

Хорижий олий таълим ташкилотлари филиаллари орасида Қозон (Волгабўйи) федерал университетининг Жиззах филиалида тиббиёт йўналиши улуши 61 фоизни ташкил этиб, мазкур олий таълим ташкилотларида бошқа таълим йўналишлари ҳам мавжуд экани кузатилади.



ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР

Ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига кирувчи олий таълим ташкилотларида талабалар контингенти асосан гуманитар таълим йўналишларида шаклланганини кўрсатади.

Соҳа йўналиши бўйича улуши энг юқори бўлган ТОП-5 давлат олий таълим ташкилотлари қуйидагилар ҳисобланади: Андижон давлат чет тиллари институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Наманган давлат чет тиллари институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети ҳамда Самарқанд давлат чет тиллари институти. Ушбу олий таълим ташкилотларида талабалар контингентининг 100 фоизини ижтимоий-гуманитар фанларига оид таълим йўналишлари ташкил этади.

Юқоридаги олийгоҳларда талабаларнинг барчаси ижтимоий-гуманитар таълим фанларига оид йўналишларида таҳсил олаётгани уларнинг профиль ихтисослашуви юқори даражада сақланганини кўрсатади.

Шу билан бирга, айрим давлат университетларида ижтимоий-гуманитар таълим йўналишлари улуши нисбатан паст бўлиб, бу ҳолат университетларда кўп тармоқли таълим модели шаклланаётганини кўрсатади. Хусусан:



ИЖОД (СПОРТ) ФАНЛАРИ ТОИФАСИ

Ижод ва спорт соҳасига ихтисослашган олий таълим ташкилотларида талабалар контингенти асосан мазкур йўналишларга тўғри келишини кўрсатади.

Соҳа йўналиши бўйича улуши энг юқори бўлган ТОП-5 давлат олий таълим ташкилотлари қуйидагилар ҳисобланади: Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти, Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали, Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети. Ушбу олий таълим муассасаларида талабалар контингентининг асосий қисми санъат ва спорт соҳаларига оид таълим йўналишларида таҳсил олмоқда. Жумладан, биринчи тўртта олийгоҳида мазкур соҳага оид йўналишлар улуши 100 фоизни, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида эса 97 фоизни ташкил этади.

Юқоридаги олий таълим ташкилотлари талабаларнинг асосий қисми ижод ва спорт соҳасига оид таълим йўналишларида таҳсил олаётгани уларнинг профиль ихтисослашуви юқори даражада сақланганини кўрсатади.

Хорижий олий таълим ташкилотлари филиаллари орасида С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография университети Тошкент филиалида ижод соҳаси улуши 100 фоизни ташкил этмоқда.

VIII. УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК МИССИЯСИ ВА АМАЛДАГИ ТАЪЛИМ ТУЗИЛМАСИ ЎРТАСИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИК

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим олий таълим ташкилотларида эълон қилинган соҳавий профили ва амалдаги таълим йўналишлари таркиби ўртасида муайян номутаносиблик ҳолатлари кузатиш мумкин. Бундай ҳолат муайян бир соҳага ихтисослашган университетларда ижтимоий-гуманитар таълим дастурлари улушининг нисбатан юқорилиги билан намоён бўлмоқда.

Хусусан, муайян соҳавий ихтисослашувга эга бўлиши кутилган университетларда ижтимоий-гуманитар таълим йўналишлари улушининг юқорилиги кузатиш мумкин. Масалан, Zarmed University Самарқанд кампусида талабалар контингентининг 52 фоизи тиббиёт йўналишларига тўғри келса, университетнинг Бухоро кампусида ушбу кўрсаткич аксинча таркибий номутаносибликни намоён этиб, талабаларнинг 73 фоизи ижтимоий-гуманитар таълим йўналишларида таҳсил олмоқда.

Шунга ўхшаш ҳолатлар бошқа айрим университетларда ҳам кузатилиб, Тошкент амалий фанлар университетида талабалар контингентининг 90 фоизи, University of Innovation Technologies да эса 87 фоизи ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига оид таълим йўналишларида таҳсил олмоқда. Бу ҳолат университетларнинг институционал профили ва амалдаги таълим дастурлари таркиби ўртасидаги мувофиқлик даражаси ҳар доим ҳам сақланмаётганини кўрсатади.

Халқаро амалиётда университетларни баҳолашда муассасанинг академик профили, илмий йўналишлари ва таълим дастурлари таркиби ўртасидаги мувофиқлик муҳим мезонлардан бири ҳисобланади. Масалан, Германиядаги CHE University Ranking методологиясида университетлар умумий рейтинг асосида эмас, балки алоҳида фан соҳалари ва таълим йўналишлари кесимида баҳоланади. Бунда таълим сифати, талабалар фикри, илмий фаолият ва халқаролашув каби индикаторлар ҳисобга олиниб, университетларнинг академик профили ва соҳавий ихтисослашуви аниқланади.

IX. ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида олийгоҳларнинг соҳавий профили, талабалар контингенти таркиби ҳамда таълим йўналишларининг институционал тузилмасини ўрганиш мақсадида таҳлилий тадқиқот амалга оширилди. Таҳлил жараёнида республикада фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларининг таълим йўналишлари таркиби, талабалар контингентининг фанлар тоифалари кесимидаги тақсимоти, ҳудудий жойлашуви ҳамда мулкчилик шакли бўйича шаклланган институционал хусусиятлари ўрганилди. Таҳлил натижасида олий таълим ташкилотларини тоифалашда қуйидаги хулосаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, олий таълим ташкилотларини соҳавий профили ва ихтисослашув даражаси асосида тоифалаш миллий рейтинг методологиясини янада такомиллаштириш учун муҳим ҳисобланади. Бу эса олий таълим ташкилотларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва таълим сиёсатини амалга оширишда аниқ далилларга асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятини кенгайтиради.

Иккинчидан, ўтказилган таҳлил натижалари олий таълим тизимида олийгоҳларнинг соҳавий профили ва талабалар контингентининг фанлар кесимидаги тақсимоти турлича шаклланганини кўрсатади. Талабалар таркибида ижтимоий-гуманитар таълим йўналишлари устунлик қилиб, уларнинг улуши 59 фоиздан 63 фоизгача ошган. Аксинча, амалий фанлар улуши 31 фоиздан 25 фоизгача камайган. Тиббиёт фанлари улуши 7 фоиздан 9 фоизгача ўсган, ижод (спорт) йўналишлари улуши барқарор сақланган. Олий таълим ташкилотларида таълим фаолиятида инфратузилма ва моддий-техник базага (лабораторияга) нисбатан камроқ ресурс талаб қиладиган таълим дастурларига устуворлик берилиши кузатилмоқда. Бундай ҳолат муҳандислик ва технологик таълим йўналишларини ривожлантириш учун зарур бўлган замонавий лабораториялар, муҳандислик инфратузилмаси ҳамда ишлаб чиқариш билан интеграциялашган ўқув-амалий базаларни шакллантириш бўйича рағбатлантирувчи шарт-шароитлар етарли даражада яратилмаётгани билан ҳам изоҳланади.

Учинчидан, ҳудудлар кесимида амалга оширилган таҳлил натижалари республика олий таълим тизимида олий таълим ташкилотларининг соҳавий ва ҳудудий тақсимоти маълум даражада марказлашган хусусиятга эга эканини кўрсатди. Хусусан, ижтимоий-гуманитар, ижод ва спорт ҳамда амалий фанлар йўналишидаги олий таълим ташкилотларининг асосий қисми Тошкент шаҳрида жамланганлиги аниқланди. Шунингдек, ижтимоий-гуманитар йўналишлар улушининг юқорилиги ва айрим ҳудудларда амалий ҳамда техник соҳаларга ихтисослашган ташкилотлар сонининг камлиги олий таълим тизимида соҳалар бўйича муайян таркибий номуносивлик мавжудлигини кўрсатади.

Тўртинчидан, мулкчиликдан келиб чиқиб фанлар тоифаси кесимида республикада фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларининг соҳавий ихтисослашуви турлича шаклланган. Хусусан, ижтимоий-гуманитар фанлар тоифасига кирувчи олий таълим ташкилотлари сони энг юқори бўлиб, улар орасида нодавлат таълим муассасалари улуши салмоқли экани кузатилади. Шу билан бирга, амалий фанлар тоифасида давлат олий таълим ташкилотлари аксариятни ташкил қилади. Тиббиёт соҳасидаги ташкилотларда давлат ва нодавлат секторининг иштироки нисбатан мувозанатли экани кузатилган бўлса-да, ижод ва спорт соҳасидаги олий таълим ташкилотлари сони энг кам бўлиб, улар асосан давлат таълим ташкилотларидан ташкил топгани аниқланди.

Ушбу ҳолат олийгоҳларинг стратегик миссияси, профили ва таълим дастурлари таркиби ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш масаласи олий таълим тизимида муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Университетларнинг эълон қилинган соҳавий йўналиши амалдаги таълим дастурлари билан уйғун бўлиши олий таълим ташкилотларининг барқарор ривожланиши, таълим сифати ҳамда кадрлар тайёрлаш тизимининг меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқлигини таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим омил ҳисобланади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАР КОНТИНГЕНТИ БЎЙИЧА ТОИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р		ОТТ номи	Тоифага оид контингент улуши	Талабалар сони	Шу жумладан, тоифага оид талабаларнинг сони
1. Амалий фанлар тоифаси					
Давлат олий таълим ташкилотлари					
1.	1	Ал-Хоразмий университети	100%	89	89
2.	2	Олмалиқ давлат техника институти	100%	5 497	5 497
3.	3	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали	92%	3 670	3 389
4.	4	Жиззах политехника институти	90%	8 662	7 761
5.	5	Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети	90%	10 678	9 558
6.	6	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети	88%	17 653	15 576
7.	7	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети	88%	14 811	12 984
8.	8	Нукус давлат техника университети	86%	5 846	5 040
9.	9	Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети	85%	9 852	8 420
10.	10	Бухоро давлат техника университети	85%	15 978	13 503
11.	11	Геология фанлари университети	82%	2 156	1 773
12.	12	Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали	82%	3 014	2 472
13.	13	Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	82%	3 099	2 537
14.	14	Тошкент кимё-технология институти	81%	8 634	6 992
15.	15	Фарғона давлат техника университети	80%	18 624	14 944
16.	16	Қарши давлат техника университети	77%	21 938	16 905
17.	17	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети	76%	5 133	3 914
18.	18	Тошкент давлат транспорт университети	74%	23 869	17 738
19.	19	Тошкент архитектура-қурилиш университети	74%	8 266	6 110
20.	20	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали	73%	2 687	1 954
21.	21	Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали	72%	1 011	731
22.	22	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети	72%	8 357	5 980
23.	23	Наманган давлат техника университети	69%	17 494	12 110
24.	24	Тошкент давлат аграр университети	67%	13 503	9 031
25.	25	"Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети	66%	13 110	8 667
26.	26	Андижон давлат техника институти	65%	9 823	6 433
27.	27	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти	65%	7 341	4 759
28.	28	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	59%	8 639	5 109
29.	29	"Cyber university"	57%	971	551
30.	30	"Янги Ўзбекистон" университети	52%	1 540	801
31.	31	Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти	52%	1 765	917

32.	32	Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети	44%	13 136	5 842
Нодавлат олий таълим ташкилотлари					
33.	1	Acharya university	100%	241	241
34.	2	IT-Park University	100%	519	519
35.	3	Japan Digital University	100%	730	730
36.	4	Digital university	97%	942	910
37.	5	PDP University	93%	1 433	1 329
38.	6	Самарқанд халқаро технология университети	50%	437	218
Хорижий олий таълим ташкилотлари					
39.	1	“ММФИ” миллий тадқиқот ядро университети” федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали	100%	250	250
40.	2	Тошкент шаҳридаги Италиянинг Пиза университети филиали	94%	213	201
41.	3	Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси “Миллий технологик тадқиқотлар университети “МИСиС”нинг Олмалик шаҳридаги филиали	93%	1 021	952
42.	4	Тошкент шаҳридаги Беларус-Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти	84%	1 864	1 574
43.	5	И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети Тошкент шаҳридаги филиали	80%	825	659
44.	6	Астрахан давлат техника университетининг Тошкент вилоятидаги филиали	79%	787	622
45.	7	“Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Тошкент филиали	72%	667	478
46.	8	Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети	72%	2 446	1 751
47.	9	Тошкент шаҳридаги Инҳа университети	71%	1 634	1 158
48.	10	Тошкент шаҳридаги Аджу университети	66%	1 417	940
49.	11	“Санкт-Петербург давлат университети” Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси Тошкент шаҳридаги филиали	60%	221	133
50.	12	Тошкент шаҳридаги Пучон университети	51%	2 198	1 116
2.Тиббиёт фанлари тоифаси					
Давлат олий таълим ташкилотлари					
51.	1	Андижон давлат тиббиёт институти	100%	12 580	12 580
52.	2	Қорақалпоғистон тиббиёт институти	100%	2 993	2 993
53.	3	Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали	100%	5 249	5 249
54.	4	Урганч давлат тиббиёт институти	100%	7 305	7 289
55.	5	Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти	100%	10 210	10 183
56.	6	Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти	99%	6 140	6 060
57.	7	Тошкент давлат тиббиёт университети	99%	29 993	29 579
58.	8	Самарқанд давлат тиббиёт университети	98%	15 112	14 882
59.	9	Тошкент давлат тиббиёт университетининг Чирчиқ филиали	98%	1 259	1 230
60.	10	Тошкент фармацевтика институти	95%	3 437	3 273
61.	11	Фармацевтика техник университети	84%	45	38
Нодавлат олий таълим ташкилотлари					
62.	1	Central Asian Medical University	100%	3 484	3 484
63.	2	Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти	100%	1 452	1 452
64.	3	Impuls BSR	100%	1 930	1 930
65.	4	EMU университети	82%	3 857	3 164
66.	5	Бухоро инновацион таълим ва тиббиёт университети	64%	2 879	1 834
67.	6	Central Asian University	45%	1 954	889

Хорижий таълим ташкилотлари					
68.	1	Жиззах шаҳридаги Қозон федерал университети филиали	61%	1 008	612
3. Ижтимоий-гуманитар фанлар тоифаси					
Давлат олий таълим ташкилотлари					
69.	1	Андижон давлат чет тиллари институти	100%	4 321	4 321
70.	2	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	100%	5 349	5 349
71.	3	Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллар институти	100%	3 502	3 502
72.	4	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	100%	22 022	22 022
73.	5	Самарқанд давлат чет тиллар институти	100%	11 782	11 782
74.	6	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	100%	6 195	6 195
75.	7	Тошкент давлат шарқшунослик университети	100%	6 527	6 527
76.	8	Тошкент давлат юридик университети	100%	9 897	9 897
77.	9	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	100%	8 870	8 837
78.	10	Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали	98%	3 240	3 176
79.	11	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети	98%	6 096	5 955
80.	12	"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети	96%	3 771	3 624
81.	13	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	95%	48 918	46 424
82.	14	Андижон давлат педагогика институти	93%	11 971	11 091
83.	15	Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси	92%	2 633	2 427
84.	16	Наманган давлат педагогика институти	90%	9 405	8 496
85.	17	Урганч давлат педагогика институти	90%	8 259	7 458
86.	18	Гулистон давлат педагогика институти	90%	5 894	5 282
87.	19	Шаҳрисабз давлат педагогика институти	88%	9 434	8 270
88.	20	Бухоро давлат педагогика институти	86%	11 956	10 254
89.	21	Термиз давлат педагогика институти	85%	10 873	9 229
90.	22	Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти	83%	13 543	11 191
91.	23	Чирчиқ давлат педагогика университети	82%	19 868	16 310
92.	24	Каттақўрғон давлат педагогика институти	82%	3 077	2 521
93.	25	Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети	80%	18 775	14 990
94.	26	Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети	79%	15 934	12 526
95.	27	Фарғона давлат университети	76%	25 345	19 384
96.	28	Самарқанд давлат педагогика институти	76%	10 109	7 707
97.	29	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ургут филиали	75%	1 960	1 474
98.	30	Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти	75%	7 958	5 934
99.	31	Қўқон давлат университети	73%	16 962	12 374
100.	32	Навоий давлат университети	71%	17 381	12 390
101.	33	Бухоро давлат университети	68%	18 691	12 783
102.	34	Термиз давлат университети	66%	17 121	11 286
103.	35	Халқаро қишлоқ хўжалиги университети	65%	857	553
104.	36	Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University)	63%	295	187
105.	37	Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти	62%	1 168	726
106.	38	Наманган давлат университети	62%	14 742	9 120
107.	39	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети	61%	27 011	16 611
108.	40	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети	59%	33 774	19 801
109.	41	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети Жиззах филиал	57%	4 920	2 808

110.	42	Қарши давлат университети	56%	14 174	7 883
111.	43	Гулистон давлат университети	53%	14 454	7 690
112.	44	Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети	51%	15 225	7 779
113.	45	Урганч давлат университети	51%	24 887	12 683
Нодавлат олий таълим ташкилотлари					
114.	1	Ижтимоий ва сиёсий фанлар институти	100%	1 117	1 117
115.	2	Ипак йўли инновациялар университети	100%	1 799	1 799
116.	3	STARS International University	100%	636	636
117.	4	TEAM университети	100%	452	452
118.	5	University of economics and pedagogy	100%	6 420	6 420
119.	6	Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси	100%	1 163	1 163
120.	7	Urganch innovatsion university	99%	3 618	3 587
121.	8	Абу Райхон Беруний университети	99%	1 498	1 480
122.	9	Бухоро халқаро университети	98%	3 458	3 401
123.	10	Халқаро Нордик университети	98%	5 356	5 251
124.	11	Янги Аср университети	97%	4 238	4 116
125.	12	"ТМС" институти	96%	10 637	10 232
126.	13	"Oriental" университети	96%	10 925	10 493
127.	14	Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти	96%	5 724	5 495
128.	15	"Tashkent International University" халқаро университети	96%	6 363	6 096
129.	16	Халқаро инновациялар университети (Effect EDU)	95%	6 627	6 292
130.	17	International school of finance and technology	94%	34 087	32 146
131.	18	Сарбон университети	94%	8 329	7 845
132.	19	Маъмун-университети	93%	12 511	11 686
133.	20	Осиё технологиялар университети (Қарши инновацион таълим университети)	93%	8 221	7 676
134.	21	Тошкент ижтимоий инновация университети	93%	2 986	2 772
135.	22	Diplomat University	92%	1 774	1 624
136.	23	Тошкент амалий фанлар университети	90%	24 279	21 905
137.	24	Аниқ ва ижтимоий фанлар университети	90%	2 953	2 661
138.	25	University of science and technologies	90%	7 438	6 701
139.	26	Oxus university	90%	400	360
140.	27	Turan International University	90%	5 291	4 753
141.	28	Perfect-university	88%	12 048	10 660
142.	29	Қарши халқаро университети	88%	7 803	6 901
143.	30	Миллат умиди университети	88%	2 782	2 446
144.	31	Тошкент иқтисодиёт ва педагогика университети	88%	10 851	9 533
145.	32	Tashkent metropolitan university	88%	216	189
146.	33	University of innovation technologies (Nukus innovatsion instituti)	87%	9 124	7 978
147.	34	Sharq University	87%	840	729
148.	35	Тошкент иқтисодиёт ва технологиялар университети	86%	4 939	4 261
149.	36	Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети	86%	584	502
150.	37	Ангрен университети	86%	5 314	4 558
151.	38	Бухоро инновациялар университети	85%	12 464	10 641
152.	39	Ахборот Технологиялари ва менежмент университети	82%	13 737	11 203
153.	40	Тошкент Кимё халқаро университети	82%	69 760	57 772
154.	41	Profi University	82%	8 295	6 806
155.	42	Тошкент халқаро молиявий бошқарув ва технологиялар университети	81%	20 122	16 380
156.	43	SAMBHRAM university	80%	1 677	1 346
157.	44	Термиз иқтисодиёт ва сервис университети	80%	30 885	24 633
158.	45	University of Business and Science	80%	34 921	27 796
159.	46	Иқтисодиёт ва педагогика университети	79%	34 001	27 092
160.	47	Қўқон университети	79%	25 763	20 411
161.	48	Тошкент гуманитар фанлар университети	78%	11 492	9 018

162.	49	Урганч Ранч технология университети	78%	11 109	8 690
163.	50	Ренессанс таълим университети	78%	12 388	9 636
164.	51	Турон университети	73%	5 233	3 828
165.	52	Осиё халқаро университети	69%	31 926	22 029
166.	53	Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университети	69%	1 989	1 366
167.	54	Навоий инновациялар институти	64%	11 834	7 642
168.	55	Алфраганус университети	63%	24 909	15 645
169.	56	University of management and future technologies	61%	1 913	1 173
170.	57	Тошкент шаҳридаги Америка технологиялар университети	61%	472	289
171.	58	Tashkent International University of Education	59%	1 414	841
172.	59	Зармед университети (Турон Зармед университети)	56%	13 853	7 827
173.	60	Тошкент шаҳридаги Британия менежмент университети	77%	751	576
Хорижий олий таълим ташкилотлари					
174.	1	"Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети)" Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали	100%	422	422
175.	2	А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Тошкент филиали	100%	873	873
176.	3	Варсовиа бизнес ва амалий фанлар университети Андижон филиали	100%	282	282
177.	4	Тошкент шаҳридаги Сингапур Менежментни ривожлантириш институти	96%	4505	4 318
178.	5	Г.В.Плеханов номи Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали	95%	943	892
179.	6	Тошкент халқаро Вестминстер университети	92%	6 344	5 838
180.	7	Тошкент шаҳридаги Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш маркази	90%	7 244	6 525
181.	8	М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали	82%	969	799
182.	9	Ўзбекистондаги Шарда университети	80%	951	762
183.	10	Латвиянинг Ахборот тизимлари менежменти Олий мактабининг Фарғона шаҳридаги филиали	77%	237	182
184.	11	Тошкент шаҳридаги Амита университети	60%	908	546
185.	12	Туркиянинг Иқтисодиёт ва технологиялар университетининг Тошкент шаҳридаги филиали	57%	406	231
186.	13	"МЕИ" миллий тадқиқот университети Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Тошкент филиали	53%	522	277
187.	14	М. Ауэзов номидаги Жанубий Қозоғистон университетининг Чирчиқ шаҳридаги филиали	51%	435	220
4. Ижод(спорт)фанлар тоифаси					
Давлат олий таълим ташкилотлари					
188.	1	Ботир Зокиров номидаги Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Миллий эстрада санъати институти	100%	553	553
189.	2	Ўзбекистон давлат консерваторияси Нукус филиали	100%	248	248
190.	3	Ўзбекистон давлат хореография академияси Урганч филиали	100%	156	156
191.	4	Ўзбекистон давлат консерваторияси	100%	1 160	1 158
192.	5	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети	97%	7 882	7 656
193.	6	Ўзбекистон давлат спорт академияси	96%	158	152
194.	7	Ўзбекистон давлат хореография академияси	93%	578	537

195.	8	Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали	91%	1 599	1 460
196.	9	Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти	88%	965	853
197.	10	Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти	81%	2 476	1 997
198.	11	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали	72%	1 673	1 197
199.	12	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	56%	4 342	2 451
Хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари					
200.	1	Тошкент шаҳридаги "С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти" федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали	100%	265	265

УНИВЕРСИТЕТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК МИССИЯСИ ВА АМАЛДАГИ ТАЪЛИМ ТУЗИЛМАСИ ЎРТАСИДАГИ НОМУТАНОСИБЛИК

T/r	ОТТ номи	ОТТ тоифаси	Амалий фанлар	Ижтимоий- гуманитар фанлар	Тиббиёт фанлари	Ижод (спорт) фанлари тоифаси
1.	Андижон қишлоқ ҳўжалиги ва агротехнологиялар институти	Амалий фанлар	65%	35%	0%	0%
2.	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Амалий фанлар	59%	32%	0%	9%
3.	Suber university	Амалий фанлар	57%	43%	0%	0%
4.	Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти	Амалий фанлар	52%	48%	0%	0%
5.	Самарқанд халқаро технология университети	Амалий фанлар	50%	39%	0%	11%
6.	“МЕИ” миллий тадқиқот университети Федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг Тошкент филиали	Ижтимоий-гуманитар фанлар	47%	53%	0%	0%
7.	Тошкент шаҳридаги Туркиянинг иқтисодиёт ва технологиялар университети филиали	Ижтимоий-гуманитар фанлар	43%	57%	0%	0%
8.	Америка технологиялар университети	Ижтимоий-гуманитар фанлар	39%	61%	0%	0%
9.	University of management and future technologies	Ижтимоий-гуманитар фанлар	39%	61%	0%	0%
10.	Озбек-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институти	Ижтимоий-гуманитар фанлар	38%	62%	0%	0%
11.	Тошкент иқтисодиёт ва технологиялари университети	Ижтимоий-гуманитар фанлар	14%	86%	0%	0%
12.	University of Innovation Technologies	Ижтимоий-гуманитар фанлар	13%	87%	0%	0%
13.	University of Science and Technologies	Ижтимоий-гуманитар фанлар	10%	90%	0%	0%


14.	Тошкент амалий фанлар университети	Ижтимоий-гуманитар фанлар	10%	90%	0%	0%
15.	Урганч РАНЧ технология университети	Ижтимоий-гуманитар фанлар	10%	78%	11%	1%
16.	Термиз иқтисодиёт ва сервис университети	Ижтимоий-гуманитар фанлар	7%	80%	13%	0%
17.	Зармед университети (Турон Зармед университети)	Ижтимоий-гуманитар фанлар	3%	56%	38%	3%
18.	Варсовиа бизнес ва амалий фанлар университети Андиджон филиали	Ижтимоий-гуманитар фанлар	0%	100%	0%	0%

З-илова

ТАЛАБАЛАР КОНТИНГЕНТИНИНГ ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИ КЕСИМИДА ТАҚСИМОТИ

Тоифа йўналиши бўйича жами талабалар сони	Жами талабалар сони	Ижтимоий- гуманитар фанлар тоифаси	Амалий фанлар тоифаси	Тиббиёт фанлари тоифаси	Ижод (спорт) фанлари тоифаси
	1 625 529	1 031 951	4 01 089	150 676	41 813
100%	63%	25%	9%	3%	



 +998 55 505 30 30

 info@nqaae.uz
www.nqaae.uz

   @nqaaeuz

 @nqaaeuzbot